

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Сурхондарё вилояти Музработ туман бўлими бошлиғининг йиғилиш Б А Ё Н И

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари
Пенсия жамғармаси Сурхондарё вилояти Музработ туман бўлими бошлиғининг
йиғилиш

Б А Ё Н И

КУНТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги ЎРК-419-сонли "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги "[Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида](#)"ги фармони ижроси юзасидан ҳудудларда йўлқўйилган камчиликлар тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратининг 2020 йил 13 январдаги № 02 а-сонли "коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги буйруғи ижроси тўғрисида.

Йиғилиш раиси Ф.Умурқулов кириш сўзи билан очиб ушбу йиғилишда вилоят бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бошқармаси бошлиғи Х.Нормаматов катнашаётганлигини билдириб суз навбатини бошқарма бошли Х.Нормаматовга берилди.

Сурхондарё вилоят бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бошқармаси бошлиғи Х. Нормаматов ўз сўзида "Коррупция ва таъмагирлик жамият тараққиётига таҳдид солувчи ачинарли иллат" мавзусида қуйидагиларни баён қилди.

Ҳурматли йиғилиш катнашчилари, Коррупция учу бу нима? — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларининг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиш худди шуниингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликчи? — коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш эканлигини ҳар дақиқада эсдан чиқармаслигимиз лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги ЎРК-419-сонли "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мазмун моҳиятини тушунириш ва тизимда коррупцияга қарши курашиш ҳамда

унинг олдини олиш юзасидан тарғибот ва ташвикот ишлари амалга ошириш тўғрисида тўхталиб ўтди.

Жумдадан бугунги кунда Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 24 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2016 йил 13 декабрда маъқулланган ҳамда 2017 йил 3 январда ЎРҚ- 419-сон билан рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг мазмун моҳияти, шунингдек касб этикаси ва лавозим мажбуриятларини лозим даражада бажариш давр талаби бўлиб тургани ҳамда давлат сиёсати миқёсида долзарб масала эканлигини, шунинг учун эндиликда иқдисодий соҳанинг барча тармоқларида порахўрликка қарши курашиш, коррупцияга қарши курашиш бизнинг асосий мақсадимиз эканлигини Президентимиз ўз маърузаларида кўп бора таъкидлаб ўтганлигини билдирди.

Хусусан, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Қонун б-боб ва 34-моддадан иборат бўлиб. бунда қонуннинг асосий мақсади коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат ва коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи кишилар ҳамда ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш лозимлиги жавобгарлик муқаррарлиги тўғрисида таъкидлади ва шу билан маърузачи ўз сўзини якунлади.

Ҳурматли ҳамкасблар, ҳаммамиз жуда яхши биламизки, бизнинг ташкилотимиз, аҳолининг кекса ёшдаги фуқароларига, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга ҳамда ногирон фуқароларга хизмат кўрсатади. Шундай экан, ўзимизга юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажаришимиз, фуқароларнинг сарсон қилмасдан, қилинган муурожаатларни амалдаги қонунларга асосан ижросини таъминлашга қаттиқ риоя қилишимиз керак.

Ҳурматли ҳамкасблар, Ўзбекистон республикасининг Жиноят кодексининг 201-моддасида "Пора олиш", 211-моддасида "Пора бериш", 212-моддасида "пора олиш-беришда воситачилик қилиш" 213-моддасида "хизматчини пора эвазига оғдириш" каби жиноятларни содир этган фуқароларга жазо чоралари қўрилиши қатъий қилиб белгилаб қўйилган. Шундан экан ҳар-бир ноқонуний хатти-ҳаракатларимиз тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қаттиқ назоратга олинганлиги тўғрисида яна бир маротаба огохлантирмоқчиман. Ахир ҳар қуни оммавий ахборот воситалари телевидения ҳам барча ходимлар тегишли ҳулоса чиқаришлари керак.

Хурматли хамкасблар, шундай экан, барчаларингизни ўз вазифангизни сидкидилдан бажариб, хизматимиз учун берилаётган ойлик иш ҳақларимизни оиламиз, фарзандларимиз ва яхши кунларимиз учун сарфлаб конуний ишлашимиз керак деб таъкидлаб утди.

. Йиғилиш катнашчиларига, Республикамизда “коррупцияга карши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида коррупцияга карши курашишнинг асосий принциплари белгилаб берилганлиги хақида сўзланди. Булар:

Конунийлик;

Фуқароларнинг ҳуқуқлари;

Фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва конуний манфаатларининг устуворлиги;

Очиқлик ва шаффофлик;

Тизимлилик;

Давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги;

Коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги;

Жавобгарликнинг муқаррарлиги;

Бизнинг коррупцияга карши юритадиган сиёсатимиз ҳукубузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш коррупцияга оид ҳукубузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини ва жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришимиз зарурлигини билдирди.

Шу билан биргаликда ҳар бир ходим ўз иш фаолиятида коррупция ва таъмагирлик ҳолатларига йўл қўймаслик буйича огохлантириб утилди. Шунингдек маърузачи томонидан коррупция ва таъмагирлик буйича белгиланган жавобгарликлар буйича ҳам тухталиб утди.

Йиғилиш катнашчилари кун тартибидаги масалалар ва маърузадан тегишли ҳулоса чиқарганликлари ва ўзларига кун тартибидаги масала юзасидан етарли ҳулоса чиқарганлигини билдириб, саволлар йўқлигини айтиб ўтди.

Кун тартибидаги масалалардан келиб чиқиб, мажлис

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Йиғилишда иштирок этган бюджетдан ташқари Музработ туман Пенсия жамғармаси ходимлари кун тартибидаги масалалар бўйича ўзига тегишли хулоса чиқариб олиб, конун устуворлиги, хар бир килинган хато учун жаъзо мукаррарлиги тўғрисида яна бир маротаба огохлантирилсин.

2. Музработ туман бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими бошлиғига:

2.1. Кун тартибидаги масалалар бўйича уч кун муддатда барча ходимлар иштирокида йиғилишлар ташкил этиб, Пенсия жамғармасига мурожаат билан келаётган фуқароларни хушмуомилалик билан кутиб олишлари, уларнинг мурожаатларини кискя муддатда конуний хал килиш чорасини кўришлари, муомила маданиятига қаттиқ эътибор қаратишлари, таъмагирлик холатига йўл кўймасликлари бўйича яна бир маротаба огохлантирилсин.

3. Ушбу баённинг ижросини назорат килишни ўз зиммамда қолдираман.

Мажлис баёнини ёзиб борди: Г.Раимова.